



2021-y. «11» сентябрь

№ 02-023-1699

«__» _____ 2021 г.

**Қорақалпоғистон Республикаси Халқ
таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар
халқ таълими бош бошқармаси ва
вилоятлар халқ таълими
бошқармаларига**

Туман халқ таълими бўлимларига

**Умумтаълим муассасалари
директорларига**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сонли “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, мактаб ишчи гуруҳлари томонидан ҳар йили 1 июлга қадар умумтаълим муассасасининг ҳар бир педагог, психолог ва кутубхона ходимлари фаолиятини баҳолайди ва навбатдаги ўқув йили учун юқори натижа кўрсатган педагог, психолог ва кутубхона ходимлари базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама миқдорини белгиланиши кўрсатилган.

Ҳозирги кунда жойлардан педагог ходимлардан уларнинг фаолиятини ишчи гуруҳлар томонидан баҳолаш жараёнида катта ҳажмдаги ва асоссиз ҳужжатлар талаб қилинаётганлиги ҳақида ҳақли эътирозлар келиб тушмоқда.

Юқоридагини инобатга олган ҳолда, устама тайинлаш бўйича ишчи гуруҳлар томонидан ўқитувчилардан талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати иловага мувофиқ юборилмоқда. Бунда, ишчи гуруҳлар томонидан ўқитувчилардан бошқа ҳужжатлар талаб қилиниши қатъиян ман қилинишини ҳамда ҳозирги кунда ўқитувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ушбу талабларга мос келган ҳолда, уларга ҳужжатлар йиғмажилдини қайта ишлаб, тақдим этиш учун ишчи гуруҳлар томонидан талаб қилинишига йўл қўйилмаслигини маълум қиламиз.

Шунингдек, Қарорга 1-илова, яъни «Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида» ги Низомнинг 9-бандига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ



таълими бўлимлари ишчи гуруҳининг фаолиятига ҳамда улар қабул қиладиган қарорларга аралашишга йўл қўйилмаслигини ва ушбу Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беришини таъкидлаймиз.

Илова: _____ бетда

**Вазирнинг
биринчи ўринбосари**



У.Шарифходжаев

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎРНАК КЎРСАТГАН ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

Т/ р	Кўрсаткичлар	Амалга оширилган аниқ ишларнинг қисқача таърифи, унинг натижалари (самарадорлиги), қўлланилаётган шакли ва услуби, ўтказилган машғулотларнинг сони, ўқувчилар қамровининг ўртача сони	Рейтинг баҳоси			Тақдим этиладиган (асословчи) ҳужжат
			Максимал балл	Фаолият натижаларига кўра қўйиладиган баллар	Кўрсаткичлар	
1.	Ўқувчиларнинг чораклик баҳоларининг ўртача қиймати	Ўқитувчи дарс ўтаётган синфлардаги ўқувчиларнинг чораклик ўртача баҳолари ўзлаштиришнинг сифат («4» ва «5» баҳо) кўрсаткичи асосида аниқланади	5	3	Сифат кўрсаткичи умумий ўқувчилар сонининг 56 — 70 фоизини, шу жумладан, мураккаб фанлар (она тили, рус тили, чет тили, математика, физика, кимё, биология) йўналишларида 56 — 65 фоизини ташкил этганда	<u>Мазкур кўрсаткич учун ўқитувчилардан асословчи ҳужжат талаб этилмайди.</u> Бунда, ишчи гуруҳ умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисидаги Низомнинг 12-бандининг в-кичик банди 12-хатбошига асосан ўқитувчи таълим-тарбия бераётган ўқувчиларининг билими, малакаси ва кўникмаларининг муайян синф ва ўқув фани бўйича умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти талабларига мувофиқлигини синф журналидаги қайдлар орқали таҳлил қилади.
				4	Сифат кўрсаткичи умумий ўқувчилар сонининг 71 — 85 фоизини, шу жумладан, мураккаб фанлар (она тили, рус тили, чет тили,	

					математика, физика, кимё, биология) йўналишларида 66 — 80 фоизини ташкил этганда	
				5	Сифат кўрсаткичи умумий ўқувчилар сонининг 86 фоизи ва ундан юқорини, шу жумладан, мураккаб фанлар (она тили, рус тили, чет тили, математика, физика, кимё, биология) йўналишларида 81 фоиздан юқорини ташкил этганда	
2.	«Фан олимпиадаси» ва бошқа кўрик танловлар, мусобақаларнинг туман (шаҳар) босқичида ўқувчисининг иштироки	Ўқувчиларининг олимпиада, танловлар, мусобақалар ва бошқа тадбирлардаги иштироки ва натижалари асосида баҳоланади	30	10	Туман (шаҳар) миқёсидаги олимпиада, танлов ва бошқа тадбирларда қатнашиб, ўқувчилари энг қуйи ғолиб кўрсаткичининг 55 фоизидан юқори натижаларни кўрсатганда	Ишчи гуруҳ томонидан ушбу банднинг 1, 2-рейтинг баҳоси кўрсаткичлари учун ўқувчиларнинг туман (шаҳар) миқёсидаги олимпиада, танлов ва бошқа тадбирлардаги иштироки ва натижалари тўғрисида туман (шаҳар) ташкилий қўмитаси (ишчи гуруҳ)нинг тегишли қароридан кўчирма олинади. Ушбу банднинг 3-рейтинг баҳоси кўрсаткичлари учун ўқитувчи томонидан ишчи гуруҳга ўқувчисининг ғолиблик (1, 2 ёки 3-ўрин)ни қўлган киритганлиги тасдиқловчи диплом (сертификат ва бошқа) тақдим этилади. Бундан ташқари, турли онлайн олимпиада ёки
				20	Туман (шаҳар) миқёсидаги олимпиада, танлов ва бошқа тадбирларда қатнашиб,	

					ўқувчилари энг қуйи ғолиб кўрсаткичининг 70 фоизидан юқори натижаларни кўрсатганда	нодавлат муассасалари томонидан ўтказилган олимпиадаларда эгалланган ғолиблик натижалари устама олишга асос бўлмайди.
				30	Туман (шаҳар) миқёсидаги олимпиада, танлов ва бошқа тадбирларда қатнашган ўқувчилари 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаганда	
3.	Танлов ва бошқа тадбирларда бошланғич синф ўқувчиларининг иштироки	Бошланғич синф ўқувчиларининг мактаб миқёсидаги танлов ва бошқа тадбирлардаги иштироки натижалари асосида баҳоланади	30	10	Мактаб миқёсидаги танлов ва бошқа тадбирларда қатнашган ўқувчилари тўплаши мумкин бўлган максимал баллнинг улуши 55 — 70 фоизни ташкил этганда	<u>Мазкур кўрсаткич учун ўқитувчилардан асословчи ҳужжат талаб этилмайди.</u> Ишчи гуруҳ томонидан ушбу банднинг барча рейтинг баҳоси кўрсаткичлари учун бошланғич синф ўқувчиларининг мактаб миқёсидаги танлов ва бошқа тадбирлардаги иштироки натижалари ҳақида танлов ёки тадбирнинг ҳакамлар ҳайъати йиғилиши қарорининг кўчирмаси олинади.
				20	Мактаб миқёсидаги танлов ва бошқа тадбирларда қатнашган ўқувчилари тўплаши мумкин бўлган максимал баллнинг улуши 71 — 85 фоизни ташкил этганда	
				30	Мактаб миқёсидаги	

					танлов ва бошқа тадбирларда қатнашган ўқувчилари тўплаши мумкин бўлган максимал баллнинг улуши 86 — 100 фоизни ташкил этганда	
4.	Ўқитувчи иш тажрибасининг оммалаштирилганлиги	Ўқитувчи иш фаолияти мактаб, туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсида оммалаштирилади (ўқитувчининг фаолияти баҳолаш даврига нисбатан сўнгги 3 йилликда оммалаштирилганлиги)	15	7	Иш тажрибаси мактаб миқёсида оммалаштирилганда	Ушбу банднинг барча рейтинг баҳоси кўрсаткичлари учун ўқитувчилар томонидан ишчи гуруҳга иш тажрибасининг оммалаштирилганлиги ҳақида тегишли кенгаш қарори ҳамда оммалаштирилган тажрибанинг методик мажмуаси (тавсия, қўлланма, видео ва бошқа материалларидан бири) тақдим этилади. Бунда, методик мажмуа шаклига қараб, фақатгина электрон шаклда CD (DVD) – дискда ҳам тақдим этилиши мумкин.
				10	Иш тажрибаси туман (шаҳар) миқёсида оммалаштирилганда	
				12	Иш тажрибаси вилоят миқёсида оммалаштирилганда	
				15	Иш тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилганда	
5.	Педагогик иш стажи	Таълим муассасаларидаги педагог ходимнинг иш стажига қараб баҳоланади	10	4	педагогик иш стажи 1 йилдан 5 йилгача	<u>Мазкур кўрсаткич учун ўқитувчилардан асословчи ҳужжат талаб этилмайди.</u> Ишчи гуруҳ томонидан ўқитувчининг педагогик иш стажи ўқитувчининг меҳнат дафтарчасига қараб аниқланади. Бунда, педагогик иш стажи сифатида нафақат умумтаълим муассасаларидаги фаолият даври, балки таълимнинг барча бўғинларидаги (мактабгача таълим, ўрта махсус таълим, олий таълим) иш стажи ҳам инобатга олинади.
				7	педагогик иш стажи 5 йилдан 10 йилгача	
				10	педагогик иш стажи 10 йил ва ундан юқори	

6.	Синф раҳбарлиги	Синф раҳбарлиги юклатилганлиги	5	0	Синф раҳбарлиги юклатилмаган бўлса	<u>Мазкур кўрсаткич учун ўқитувчилардан асословчи ҳужжат талаб этилмайди.</u>
				5	Синф раҳбарлиги юклатилган бўлса	Ишчи гуруҳ томонидан ўқитувчига синф раҳбарлиги юклатилганлиги ҳақида мактаб директорининг буйруғи асосида аниқланади.
7.	Малака ошириш курсларидан ўтганлиги	Режа асосида	10	0	Ўз вақтида малака ошириш курсларида қатнашмаган бўлса	-
				2	Малака ошириш курслари якунига кўра якуний аттестациядан ўта олмаган ва тегишли сертификатга эга бўлмаса	Ишчи гуруҳга ўқитувчи томонидан малака ошириш курсларида қатнашганлиги тўғрисида маълумотнома нусхаси тақдим этилади.
				10	Ўз вақтида малака ошириш курсларидан ўтиб, тегишли сертификатга эга бўлса ***	Ишчи гуруҳга ўқитувчи томонидан малака ошириш курсларини мувафаққиятли якунлаганлиги тўғрисида сертификатнинг нусхаси тақдим этилади.
8.	Синфдан ташқари ишлар	Ўқувчиларнинг дунёқарабини кенгайтириш, ижодкорлик ва санъатга қаратилган қўшимча машғулотлар олиб бориш	15	5	Креативликни рағбатлантиришга қаратилган тадбирларни (фотокўргазмалар, хунармандчилик, мусиқа ва театр саҳналари каби) ташкил этган бўлса	Ўқитувчи томонидан ўтказилган синфдан ташқари тадбирлар ҳақида қисқача (1 саҳифадан ошмаган ҳолда) маълумот ва ушбу тадбирнинг икки (2) донадан ошмаган ҳолда фотосуратлари тақдим этилади (Фотосуратларни юқорида қайд этилган маълумотнинг 2-саҳифасига қўшиб бериши ҳам мумкин).
				10	Ўқувчиларни фикрлашга ўргатувчи ва	Шунингдек, ўқитувчи томонидан агарда синфдан ташқари иш сифатида мактаб радиосидаги чиқиш қилинган бўлса, бундай ҳолда унинг электрон шаклдаги аудиоёзуви (

					дунёқарашини кенгайтирувчи, янги кўникмалар берувчи кўшимча машғулотлар (дебат ва ҳикоя қилиш клублари, мактаб радиоси/газетаси/веб-сайти, ахборот таҳлилий машғулотлари) олиб борса	CD-DVD ёки бошқа ташқи хотира қурилмалари), мактаб газетасидаги мақоланинг нусхаси асословчи ҳужжат сифатида ишчи гуруҳга тақдим этилади. Агар ўқитувчи томонидан мактаб вебсайти юритилаётган бўлса, у ҳолда бунда ўқитувчи томонидан асословчи ҳужжат талаб қилинмайди ва ишчи гуруҳ томонидан мустақил равишда аниқланади.
				15	Ўқувчиларни изланишга ундовчи ишларни (иқтидорли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан кўшимча машғулотлар ўтказиш, нутқ санъати тадбирлари) олиб борса	
9.	Ўқитувчининг педагогик фаолияти баҳоси	Ўқитувчининг педагогик фаолиятига ўқувчилар (ўқитувчи дарс берадиган синфлардаги ўқувчиларнинг камида 60 фоизи ўртасида) ва баҳолашда қатнашган Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида ўтказиладиган сўровнома натижалари (ишобий фикрлари) асосида аниқланади	5	0	Сўровномада қатнашганлар Кенгаш аъзолари сонига нисбатан «ишобий фикр» билдирганлар улуши 50 фоиздан паст бўлса	<u>Мазкур кўрсаткич учун ўқитувчилардан асословчи ҳужжат талаб этилмайди.</u> Ишчи гуруҳ томонидан ўқитувчининг педагогик фаолиятига ўқувчилар ва баҳолашда қатнашган, Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида ўтказиладиган сўровнома натижалари асосида аниқланади.
				5	Сўровномада қатнашганлар Кенгаш аъзолари сонига нисбатан «ишобий фикр»	

				билдирганлар улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлса		
			5	0		Сўровномада қатнашганлар ўқувчилар сонига нисбатан «ижобий фикр» билдирганлар улуши 60 фоиздан паст бўлса
				5		Сўровномада қатнашганлар ўқувчилар сонига нисбатан «ижобий фикр» билдирганлар улуши 60 фоиз ва ундан юқори бўлса
МАКСИМАЛ БАЛЛ:			100			